



Олдимизда турган юксак марраларга эришиш учун ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб, белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишимиз, юртимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бир тану бир жон бўлиб яшашимиз лозим. Бугун ўзбек халқининг замони келди, Ўзбекистоннинг замони келди, маррани баланд қўйиб яшайлик, шундагина эртанги кун, келажак бизники бўлади.

Президент Ислам КАРИМОВнинг Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

Ижтимоий ҳимоя — унумдорлик гарови

Ботир Мирзаев Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битиргач, қарийб чорак аср «Сариосиёпахта» ОАЖда меҳнат қилди. Шу даврда ишчан ва билимдон мутахассис ўзига ишониб топширилган масъулиятли вазифаларни сизқилмидан адо этди.

2010 йил Б.Мирзаевни жамиятга раҳбар этиб тайинлашди. У қисқа фурсатда жамоа учун арзирли ишларни бажаришга улгурди. Масалан, «Обизаранг» пахта қабул қилиш маскани ҳудудда корхона даромадлари ҳисобига 10 минг парранда боқилааган ферма барпо этилди. Ишчиларга қулайлик яратишга интилади. Дам олиш, ювиниш хоналари, ошхона қайта таъмирланиб, янги жиҳозлар билан таъминланди.

Аммо пахта қабул қилиш мавсумига келиб баъзи тушунмовчилик туфайли Ботир Мирзаевни раҳбарликдан бўшатишди. Лекин у заводдан кетгани йўқ, уринбосар бўлиб ишлайверди. Баъзиларга ўшаб янги раҳбарнинг қадам олишини пойлаб юрмади. Корхона ишини яхшилаш, жамоа манфаатдорлигини ошириш учун бор кучини сарфлади. Орадан олти ой ўтар-ўтмас Б.Мирзаев яна корхона раҳбарлигига тайинланди.

Бугун корхонадаги ўзгаришлар кишининг ҳавасини келтирди. Ишчиларнинг дам олиши, овқатланиши учун барча қулайлик яратилган. «Маънавият ва маърифат» хонасига кундалик туман, вилоят ва республика нашрларининг хар сони келади, адабиётлар етарли. Ошхонада ишчилар учун уч маҳал корхона ҳисобидан таом тайёрланади. Жамоа аъзолари иш кийимлари билан таъминланган. Шундай ҳамўрлик туфайли пахтани қайта ишлаш режаси ошириб бажарилаётган. Бугунгача терминал базаларига 5,5 минг тонна тола жўнатилади. Қайта ишланган пахтадан 2650 тонна чигит, 2400 тонна момиқ олинди. Айни пайтда жамоа ҳар кuni 130 тонна пахтани қайта ишлаётир.

«Обизаранг» пахта қабул қилиш масканида ҳар йили «Дашнобод», С. Кассиров номи, «Сариосиё», «Суфияна» СИУлар таркибидаги фермер хўжаликларидан минг тонна пахта қабул қилинади. Бу ерда 27 нафар киши меҳнат қилмоқда. Маскан пахтани сақлаш ва қайта ишлаш учун заводга жўна-

тиш билан чегараланиб қолгани йўқ. Ҳудуддаги 60 сотих майдонда турли сабзавотлар парваришланапти. Келгусида бу ерда лимон етиштириш ниятида 4,5 миллион сўм сарфланиб, иссиқхона барпо этилди.

Дурадгорлик чеҳида тажрибали уста Иқбол Насриддинов ёшларни ёнига олиб, эшик, ром, стол, стул, хонтахта тайёрламоқда. Нон тайёрлаш чеҳида эса новвойлар ҳар кuni фермер хўжаликлари ва завод ошхонаси буюртмаси асосида иссиқ нон пиширишади. Маскан ҳудудининг бир чеккасидаги «Обизаранг паррандаси» корхонасида 4-мингта товуқ боқилаяпти. Бу ерда ҳар кuni 800-1000 дона тухум етиштирилиб, бир қисми завод ошхонасига етказилаётган бўлса, қолгани ишчиларга арзон нарҳда сотилаяпти.

Яқинда ишчи Илхом Саидқулловнинг яшаб турган уйи корхона ҳисобидан таъмирлаб берилди. Шунингдек, ушбу оила фарзандлари Иномжон ва Набижоннинг суннат тўйи ўтказилиб, тўйболаларга бош-оёқ сарпо ва телевизор ҳадя этилди. Анча йилдан бери корхонада фаррош бўлиб ишлаётган Мафтуна Мухторовлага эса бир бош соғин сиғир олиб берилди.

Туман кенгашига депутат этиб сайланган Б.Мирзаев сайловчилар билан учрашувларда билдирилган тақлифларни ҳал этиш, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, аҳолига қулайлик яратиш юзасидан ҳам талай ишларни амалга оширяпти.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири



«ПИЛЛА — 2012»

Пиллакорларимиз зафарни

Мамлакатимиз пиллакорлари 25 минг тоннадан зиёд «кумуш тола» тайёрлаб, йиллик шартнома мажбуриятини адо этдилар

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳам юксак самараларини бермоқда. Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи — пиллачилик жадал ривожланмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир.

Жорий йилда биринчилар қаторида пилла етиштириш шартнома мажбуриятини ошириб бажарган Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Тошкент, Қашқадарё, Фарғона вилоятларининг пиллакорлари хирмонга ўзларининг муносиб ҳис-

сасини қўшди. Жарқўрғон, Ургут, Денов, Вобкент, Қорақўл, Касби, Косон, Бука, Чиноз, Каттакўрғон, Беруний, Амударё туманларида пилла ҳосилдорлиги 57-65 килограммини ташкил этди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, бу йилги мавсумда қарийб 44 минг фермер хўжалиги томонидан 443,5 минг қўти ипақ курти уруғи парваришланиб, ҳар бирдан ўртача 57 килограммдан ҳосил олинган. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларни ташкил этди.

Ҳосилдорликни ошириш ва етиштириладиган пилла сифатини яхшилаш мақсадида 55 минг гектардан зиёд майдондаги тўтзор ва 76 миллион донадан ортиқ яқка тут

қаторларида агротехника тадбирлари амалга оширилиб, пилла озуқа базаси мустаҳкамланди.

Энг муҳими, пиллакорларни моддий рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, пилланинг харид нархи ўртача 20 фоиз оширилиб, етиштирилиши мўлжалланаётган ҳосил қийматининг 30 фоизи миқдоридидаги маблағ мавсум бошиданок бўнак пули сифатида берилди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

Суратда: Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги «Миришкор Долимай» фермер хўжалиги аъзоси Гулнозахон Жўрахонова.

Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎЗА) олган сурат



Жиззах шаҳридаги «Бону ширинликлари» хусусий корхонасига банкнинг 150 миллион сўмлик кредит маблағи кўмағида Польша, Италия, Туркиядан замонавий ускуналар келтирилиб ўрнатилгач, ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 50 фоиз ошди. Натижада жорий йилнинг ўтган даврида 600 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Айни вақтда корхонада тайёрланаётган ширинликларнинг сифати ҳам кескин яхшиланди. Корхонага янги технологиялар ўрнатилиб, ишлаб чиқариш кенгайтирилиши билан иш ўринлари ҳам кўпайди. Айни пайтда корхонада 40 нафар қандолатчи меҳнат қилаётир. Уларнинг 18 нафари ҳудуддаги касб-хунар коллежларини битирган ёшлардир.

Навий шаҳрида халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда кўллаб ўзаро манфаатли шартномалар имзоланди.

Иштирокчилар томонидан намойиш этилган маҳсулотлар сифати ва тежамкорлиги билан ҳам қўнчилигини эътиборини тортиди. Айниқса, Навий эркин иқтисодий индустриал зонасида фаолият олиб бораётган «Шўртангаз кимё мажмуаси» унитар шўба корхонаси ҳузуридаги «Полиэтилен кубурлар» ва «Полипропилен кубурлар» шўба корхоналари, «Uzorklighting» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси, «Uzavtosanoat» акциядорлик компаниясининг «O'zEreAlternator» қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар қатнашларида катта қизиқиш уйғотди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида касб-хунар коллежлари битирувчилари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда агентлик тизимидаги ўндан зиёд корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд юзга яқин иш ўринларини тақдир этди. Ярмарка натижасида вилоятдаги касб-хунар коллежларининг олтинчи нафардан зиёд битирувчиларига агентлик тизимидаги корхоналарда меҳнат фаолиятини бошлаш учун йўлланма берилди.

Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлигида автотранспорт соҳасига GPS (сунъий йўлдош орқали навигация) тизимини жорий қилиш масаласига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Агентлик бошлигининг ўринбосари Ш.Шоваҳобовнинг таъкидлашича, айни пайтда шаҳарлараро йўналишларда қатнаётган автобуслар учун сунъий йўлдош орқали навигация тизимини жорий этиш борасида жадал ишлар амалга оширилмоқда. Айни вақтда мамлакатимиз буйича шаҳарлараро йўналишларда қатнаётган 68 та автобустга GPS мосламаси ўрнатилган. Жорий йил охиригача шаҳарлараро йўналишларда ҳаракатланадиган барча автобусларга шундай мосламаларни ўрнатиш режалаштирилмоқда. Агентлик биносида уларни кузатиш учун диспетчерлик пункти ташкил қилинган.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

Азиз муштарий!

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига иккинчи ярим йиллик учун обуна барча алоқа бўлимларида давом этмоқда.

БАНДЛИК

Энг фаол касаначи аёл

Аёлнинг оила, уй-рўзгор юмушларидан ортиб, у ёки бу иш билан банд бўлиши, биринчидан, унинг дунёқарашини кенгайтириб, ижтимоий фаоллигини оширса, иккинчидан, оила бюджетини мустаҳкамлашга аризиғлик ҳисса қўшади. Аёлларнинг бандлиги энг долзарб масала сифатида қаралаётгани ҳам аслида шундан.

Бугунги кунда вилоятимиз ҳудудидаги 100 дан зиёд йирик саноат корхоналари, кичик корхоналар ва хусусий фирмаларда 12 мингдан зиёд хотин-қиз касаначилик асосида иш билан банд. Корхоналарнинг буюртмалари бўйича уйда бутловчи буюмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ва турли хизматлар кўрсатаётган аёлларимиз иқтисодийта ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Муҳими, касаб ва уюшма ташкилотлари касаначиларнинг меҳнати ва уларнинг ижтимоий муҳофаза қилинишида яқиндан кўмаклашмоқда. Жумладан, касаначилар билан корхоналар ўртасидаги меҳнат шартномаларини тузишга амалий ёрдам кўрсатиб, улар меҳнатга ҳақ тўлаш доимий назоратга олинган.

Мазкур соҳани ривожлантиришда ибрат бўлаётган корхона, ташкилотларни тарғиб этиш мақсадида «Энг фаол касаначи аёл» кўрик-танловини вилоят касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, хотин-қизлар кўмитаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Маҳалла» жамоат фонди билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. Кўрик-танловнинг 1-босқичида 95 нафар касаначи аёлларимиз қатнашган бўлса, вилоят босқичида 19 нафар шаҳар, туман голиблари иштирок этишди. Бундан ташқари, касаначи аёл меҳнат қилаётган корхона, ташкилот, кичик корхона, хусусий фирма маъмуриятлари томонидан касаначиликни ривожлантириш, уларга яратилган шарт-шароитлар бўйича олиб

бораётган ижобий ишлар тарғиб этилмоқда. Аҳмад ал-Фарғоний боғида ўтказилган танлов уйда ўтирган аёлларимиз меҳнатини шарафлаш, уларни муносиб рағбатлантириш тадбирига айланиб кетди. Иштирокчилар касаначилик меҳнат фаолиятини қачондан бошлагани, оила бюджетига қўшаётган даромади, касаначиликнинг афзалликлари ҳақида гапириб, касаб ва уюшмага аъзолик афзалликлари, жамоа ва меҳнат шартномалари орқали хотин-қизларга берилётган имтиёزلарга оид ҳамда иқтисодий, ҳуқуқий, тиббийта оид саволларга жавоб беришди.

«Кувасойшифер» корхонасида Давлатхон Марасуллова, Қўқон шаҳридаги «Ал Хабиб» кичик корхонасида Муборак Эргашева, Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси касаначиси Раънохон Абдурахимова, «Бешариқ Текстиль» корхонаси касаначиси Кундузой Эралиева, Бағдод тумани «Назокат-Нафис» хусусий корхона касаначиси Улмастон Мўхитдинова каби қатор касаначилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар — корхона ишчила-

ри учун махсус кийим-бошлар, дўппи, тўнлар, турли либослар, кўрпа-тўшак, рўзгорда ишлатиладиган буюмлар, тўқувчилик, қуроқчилик маҳсулотлари кўнчиликка манзур бўлди. Кўрик-танловда 1-ўринни Бешариқ тумани «Бешариқ-Текстиль» корхонаси касаначиси Кундузой Эралиева, 2-ўринни Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси касаначиси Раънохон Абдурахимова, 3-ўринни «Кувасойшифер» корхонаси касаначиси Давлатхон Марасуллова эгаллади. Голибларга кўрик-танловнинг махсус дипломлари ва вилоят касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмасининг махсус совгалари топширилди. Қолган 16 нафар касаначи аёлларга фахрий ёрлик ҳамда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, вилоят «Маҳалла» жамоат фонднинг қимматбахо совгалари топширилди.

М.АБДУЛЛАЕВА, Фарғона вилоят касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси

ЖАРАЁН

«Бухоропарранда» очиқ ҳиссадорлик жамияти бозор иқтисодиёти синовларидан муваффақиятли ўтиб келаётган намунали корхоналардан ҳисобланади. Жамоа фаолияти нафақат Бухорода, балки республикада ҳам алоҳида эътироф этилаётгани беҳиз эмас. Қадрлар малакаси ва масъулиятини ошириш, ҳар бир участкада меҳнатни қатъий интизом тамойилларига кўра ташкил этиш, ходимларга қулай иш шароитлари яратиб берилиши ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илгор тажриба ҳамда технологияларнинг амалда қўлланиши ютуқлар омили бўлаяпти.

Корхона юлдузлари

Паррандабоқарлик — мавсумий иш эмас. Паррандалар зоти яхшилаш, уларни зарур витаминларга бой озуқалар билан таъминлаш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш, цехларда ҳамшира мўътадил ҳароратни ташкил этиш каби жараёнлар ижроси ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Утган йили корхонада 71 миллион 650 минг донадан зиёд тухум ишлаб чиқарилди. Бу 2010 йил натижаларига қараганда 8 миллион 568 минг донадан кўп демакдир. Бултур 405,5 тонна парҳез гўшт етиштирилиб, белгиланган режа 153,5 фоизга бажарилди. 2011 йил жамоада ҳар бош товуқдан 294 донадан тухум олинган бўлса, жорий йил охирида улар ушбу кўрсаткични 300 донадан ошириш борасида ҳаракат қилмоқда. Корхона обрў-эътиборини янада кўтариш учун курашаётганлар сафида 133 нафар хотин-қиз алоҳида фидойилик кўрсатмоқда.

Касбини ардоқлаб, кўнчиликка ибрат бўлаётган ишлаб чиқариш юлдузлари сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Жумладан, паррандабоқарлар Гулсара Холиқова, Эргашой Ширинова, Гулчехра Сафарова, Шарбат Авезованинг ҳар бири 10-12 минг бошдан товуқларни парваришлаб, энг юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Шунингдек, жўжа очирив ва ўстириш цехларининг илгорлари Феруза Мақсудова, Дилноза ҳамда Зебо Маттиевалар, вакцинадор Сайёра Камолованинг фаолияти ҳам барчага ибрат бўлмоқда.

Яқин ойлари ичида бу ерга замонавий ускуналар келтирилиб, янги цехлар бунёд этилади. Ҳозирги цехларда кўпи билан 17 минг бош парранда боқилаётган бўлса, янгисида ушбу кўрсаткич 58,5 минг бошга етади. Шунингдек, модернизация шарофати билан иқтисодий имкониятлар даражаси янада кенгайтирилади.

Иззатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

БОШЛАНГИЧДА НИМА ГАП?

Оилада қўним — ишда унум

— дейди Қарши муҳандислик иқтисодий институти касабаси уюшма кўмитаси раиси Файзиддин Тиловатов



Қарши муҳандислик иқтисодий институтининг нефть ва газ саноати ривожланган воҳада мутахассислар тайёрлаш бўйича нуфузли олий ўқув юртидан хисобланади. 4889 нафар талаба ҳамда 662 нафар ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган олиғгоҳ касабаси уюшма кўмитасига Файзиддин Тиловатовнинг раис этиб сайланганига бир йил бўлди. Шу вақтда Ф.Тиловатов ўзининг фидойчилиги, меҳнатсеварлиги билан ҳурмат қозонди. — Институтда рўйхатга олинган 25 нафар ногирон, 500 нафардан зиёд кам таъминланган талабага касабаси уюшма кўмитаси томонидан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда, — деди у. — Халқро ноғиронлар кунини ҳамда Ўзбекистон Конституциясининг 19 йиллиги муносабати билан 40 нафар талабани рағбатлантирдик. 8 нафар талабага касабаси уюшмасининг устима стипендияси берилди.

Хар йили Наврўз байрами арафасида «Йилнинг энг истеъдодли талабаси» кўрик-танловини ўтказиб, ғолибларни тақдирлаб борамиз. Бундан ташқари, профессор ва ўқитувчилар ҳамда талабалар аънанавий «Ректор кубоги» спорт тадбирларида мусобақалашиб, ғолиблар аниқланади. Сараланган педагоглар «Ўқувчи ва мураббийлар кунини» арафасида ўтадиган тармоқ спартакиадасида қатнашса, талабалар «Халқро талабалар кунини» байрами муносабати билан ўтадиган вилоят мусобақасида беллашади. Яқинда жамоа шартномасининг 2011 йилдаги бажарилиши юзасидан йиғилиш ўтказиб, институт миқёсида кенг муҳомамага қўйилган «2012-2014 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасини» тасдиқладик.

Режамиздаги турли маънавий-маърифий тадбирлар ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказишга қаратилган. Ватан ҳимоячилари кунини Қаршидаги сержантлар тайёрлаш мактаби билан ҳамкорликда тадбир уюштирган бўлсак, Халқро хотин-қизлар байрами — 8 мартда «Ибратли оила» деб номланган маънавий-маърифий кеча ташкил этдик.

Ходимларнинг яхши ва ёмон кўнларида энг кам иш ҳақининг уч барабари миқдорда моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, педагоглар ишдаги ютуқлари учун ҳам муносиб рағбатга эга бўлишади. Албатта, эътиборнинг натижаси ҳам шунга яраша. Ўқитувчилар дарсни интерфаол усуллардан фойдаланиб, янгича методлар асосида ўтишга ҳаракат қилишмоқда.

«Устоз-шогирд» аънаналари йўлга қўйилган. Тарих фанлари доктори, профессор Юлдуз Эргашева, техника фанлари доктори, профессор Фармон Исмаилов сингари устозлар фаолияти институт салоҳиятидан даража беради.

Шикоят ва аризалар билан ишлаш ҳам касабаси уюшма кўмитасининг масъулиятли вазифасига киради, — дейди касабаси раиси. — Институтимизда муҳит яхши. Хар бир аризани шу ернинг ўзида ижобий ҳал қилишга ҳаракат қиламиз. — Иш ва жамоатчилик иши билан бўлиб, оилага вақт топишда қийналмайсизми?

— Оила — муқаддас кўрган. Усиз ҳаётнинг қизиги йўқ. Оилани эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Тўрт қиз, бир ўғлим бор. Турмуш ўртоғим ҳамшира. Инсоннинг бахти оиласидаги тотувлик ва ишонасидаги соғлом муҳитга боғлиқ.

Дарҳақиқат, Файзиддин ака ўз иши ва оиласини жуда севади. Талабаларга: «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанидан сабоқ беради. Тарих фанлари номзоиди. Илм ва яхшилик улашиш ила ўтадиган ҳар кунини унинг учун қадридлир.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

САРҲИСОБ

Ишчи-ҳодимлар манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий негизини шакллантириш, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, меҳнат муҳофазаси, меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олишни ташкил этиш, олий маошларнинг ўз вақтида тўлашишни назорат қилиш ва жисмоний тарбия, маънавий-маърифий ишлар ҳақида диққат марказимизда.

Шаҳар, туман кенгашлари ва «Бухоропахта саноатҳудудий бирлашмаси» очик акциядорлик жамияти бирлашган касабаси уюшма кўмиталари томонидан соҳада ишлаб пенсияга чиққан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Улуғ айём кўнларида совғалар тақдим қилинди, озиқ-овқат маҳсулотларидан қаршилди. Эҳтиёжмандларнинг уй-жойларини таъмирлаш, коммунал тўловларини тўлаш, фарзандларига ўқув кўрсаткичи, дарсликлар харид қилишга кўмаклашилди. Касаначилар сони ўтган йилда икки ҳисса ортиб, улар билан тузилган меҳнат шартномалари 3720 тага етди.

Бошланғич касабаси уюшма кўмиталари билан баҳамжиҳат тузилган режалар асосида меҳнатни муҳофазаси қилиш борасида самарали ишлар олиб борилаётган. Маълумки,

хар йили 1 апрелдан 1 майга қадар меҳнат муҳофазаси ойлиги (вилоят миқёсида) эълон қилинади. Бу фурсат ишда меҳнаткашларга со-

ча шаҳар ва туман кенгашларида «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шўши-лич чора-тадбирлар тўғрисида»ги Конвенциялар талабларининг жойларда бажарилишини таъминлаш мавзусида ўқув-семинарлар, учравулар, давра суҳбатлари ўтказиб келинаётгани яхши самара берапти.

чоғда вилоят касабаси уюшма кенгаши таркибиде 372 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар томонидан 97190 нафар аъзонинг ҳақ-ҳуқуқлари тўла қамолатланган. Касабаси уюшма аъзолари афзалликларининг тарғиботи натижасида ўтган йили 782 нафар ходим сафимизга қўшилди. Тармоққа қаршали корхона ва ташкилотлар тасарруфида 8 та болалар оромгоҳи бўлиб, уларда 2590 нафар

янги боғ барпо қилинди ва 2800 туп мевали ҳамда манзарали кўчатлар ўтказилди. Бу йил ҳам ишлар авжида. Айти пайтда, томорқа ҳужаликлари юмушлариде қишлоқ аҳлига мададор бўлаяпти. Бундан ташқари, тармоққа қаршали корхона, тармоққа ҳужалик ва муассасалар меҳнат жамоаларида жисмоний тарбия ҳамда спорт ишларини кенг йўлга қўйиш мақсадида «Алпомиш»,

Ободлик кўнгилдан бошланади

ғлом ва хавфсиз иш ўринлари ҳамда санитария-маиший шароитларини яратиш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларнинг олдини олиш, корхона, фермер ҳўжаликларида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш юзасидан иш бевуқларга билан ҳамкорликда белгиланган тадбирлар амалга оширилади.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2010 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси V Курултойи натижаларига мувофиқ Федерация Кенгаши ва аъзо ташкилотлар фаолиятини тақомиллаштириш бўйича тадбирларига асосан бошланғич ташкилотлар фаолияти таҳлил қилиб борилаётган. Уларнинг обрўсини ошириш кун тартибидеги долзарб масалалардан саналади. Айти

ўғил-қизни соғломлаштириш мўлжалланган. Мавсумни кўнгилли таъминлаш учун (ҳомий ташкилотлар ҳамда ота-оналар билан) аниқ режалар асосида иш олиб борилапти. «Ободлик кўнгилдан бошланади» шиори остида ҳар йили ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кенг қанот ёзади. Бултур Мустақиллигининг 20 йиллиги шарафига бўш ётган майдонлар аниқланиб, 6 гектар

«Барчиной» тест мусобақалари, хотин-қизлар ўртасида эса «Саломатлик» спартакиадалари ўтказилди. Бундан кейин ҳам имкониётларимиз доирасини янада кенгайтириб, тармоқ касабаси уюшма аъзоларига гамҳўрликни хар қачонгидан дақчайтириш ниятидаимиз.

Абдусалом РАҲМОНОВ,
Агрессанот мажмуи ҳодимлари касабаси уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши раиси



Офицерлар хизматга йўл олди

Кеча Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юртида мазкур ўқув даргоҳининг навбатдаги битирувчиларига дипломлар топшириш муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.



лий модели яратилгани барча соҳа ва тармоқлар учун юксак малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар. — Ватан тинчлиги ва осийишталарини сақлаш хар бир йигитнинг бурчи, — дейди битирувчи Фаррух Йўлдошев. — Бугун биз, битирувчилар шу мақсадда хизматга йўл оламиз, ўз фаолиятимиз давомида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишни ниёт қилганмиз.

Абу КЕЖАЕВ олган суратлар

ҚАРОР ВА ИЖРО

Оламни асранг, дўстлар!

Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳўжатларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга молик масала сифатида эътироф этилган.

Ушбу қоидаларни изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида адлия органларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, Адлия вазирлигида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бۆшқармаси ва унинг худудий бўлиmlари ташкил этилиб, мазкур қарорда белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Жумладан, Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бۆшқармасининг Тошкент вилояти худудий бўлими томонидан давлат бۆшқаруви ва маҳаллий ижроия ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи ҳамда назорат қилувчи идораларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун ҳўжатлари талабларига ва қонунийликка риоя этилиши устидан тизимли мониторинг ва назорат олиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Шунингдек, табиатни муҳофазаси қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, «Табиатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги, «Усимлик дунёсини муҳофазаси қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофазаси қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳўжатлари билан тартибга солинади.

Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бۆшқармаси ва унинг Тошкент вилояти худудий бўлими ҳодимлари томонидан жорий йилнинг феврал ойида Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ўрмон ҳўжалиги бош бۆшқармаси тизимидаги айрим ҳўжаликларнинг 2010-2011 йиллар давомидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофазаси қилишга оид қонун ҳўжатларини қўллаш билан боғлиқ фаолияти ўрганилиб, муайян ишлар амалга оширилганлиги билан бир қаторда, айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳолатлари аниқланган.

Қонунбузулиш ва хато-камчиликларни бартараф этиш, уларга келгусида йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш тўғрисида тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилиб, ўрмон ҳўжаликларининг 5 нафар масъул ҳодимлари интизомий жавобгарликка тортилган бўлса, 1 нафар ходим эғаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Шу билан бирга, соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти янада тақомиллаштириш юзасидан қонун ҳўжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифлар тайёрланиб, тегишли идораларга юборилди. Уз ўрнида, ҳозирги вақтда ўрмон ҳўжаликлари бۆшқармаларида мазкур ҳолатларнинг сабаблари ҳамда уларга кўмаклашувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, келгусида уларга такроран йўл қўймаслик тўғрисидаги чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, мазкур режа асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Адлия вазирлиги тизимида ташкил этилган бу янги тузилма мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими ривожланишининг ўзига хос шакли сифатида давлат ҳокимияти ва бۆшқаруш органлари, ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи ва назорат тузилмалари ўртасида ўзаро тийилиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш принципининг амалда самарали ишлашига хизмат қилмоқда.

Ойбек БОЗОРОВ,
Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бۆшқармасининг Тошкент вилояти худудий бўлими бош маслаҳатчиси

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Инновацион фаолият

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш масалалари ва устувор вазифалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк даврда Президентимизнинг «Илм-фанни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш тўғрисида»ги фармони ҳамда шунга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг қароридан сўнг инновацион фаолиятини фаоллаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Президентимизнинг 2008 йил 15 июндаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан янги технология фондлари яратилиб, юқори технологик ишланмалар соҳасини ва ишлаб чиқаришни молиялаштириш имкони туғилди. Инновация фаолиятини ривожлантириш учун қатор имтиёзлар ва преференциялар белгиланди. Сўнгги йилларда бу иш учун Фанлар академияси инновацион лойиҳаларини амалга оширишдан тушган нобюджет маблағлар миқдори 15,5 млрд. сўмдан ортиқроқни ташкил этди. Ҳамкорликдаги халқаро илмий лойиҳалар бўйича 3,92 млн. сўм АҚШ долларлари ҳажмида инвестициялар жалб қилинди. Бу йил инновацион дастур ва лойиҳалар сони 2009-2010 йилларга нисбатан сезиларли даражада ошди. Айти пайт-

да ФА илмий муассасалари 71 та инновацион лойиҳани бажармоқда. Ўзбекистон Республикаси ФА илмий (ҳажмдор) маҳсулотлар экспорти (радиоизотоп, бойитилган тоғаз, дори воситалари каби) йилдан-йўлга ортаётган. Масалан, 2011 йилда экспорт ҳажми 5 млн. АҚШ долларидан ошиб кетди. Жорий йилнинг 1-chorагида эса бу кўрсаткич 1067,1 минг АҚШ долларини ташкил этди. Хусусан, кейинги йилларда фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар соҳасида жаҳоншумул аҳамиятга молик талай натижаларга эришилди. Мўҳим инновацион ишланмалар яратилди ва уларнинг натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Жумладан, «Узкимёсанот» ДАК корхоналарида (Кизилкум фосфоритлари асосида) минерал ўғитларнинг янги турлари ҳамда дефолиантлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Узфарма-саноат» ДАК корхоналари (ЎзР ФА илмий муассасалари ишланмалари асосида) мажҳаллий дори воситалари ишлаб чиқарди. Бундан ташқари, турли иқлим худудларига мослаштирилган 10 дан зиёд сермахсул ўза навлари яратилди. Бюджет ва иқтисодий тармоқлари маблағлари ҳамда хоржий инвестициялар ҳисобига қатор йирик тармоқларо технологиялар, технологиялар платформалар

юзига келди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида (ЎзР ФА олимлари билан ҳамкорликда) жаҳон стандартлари талабларига жавоб бера оладиган («Боинг» ва «А-310» типдаги авиалайнерларга ишлатиладиган) янги маҳаллий «Супер Жет» ёқилмасини ишлаб чиқариш технологияси жорий қилинди. «Ўзбекнефтгаз» МХК ва «Узтрансгаз» АК томонидан нефть маҳсулотлари тозалаб бевуқчи 20 дон керамик фильтраппарат ишлаб чиқариш технологияси ўрнатилди. Хорижий инвестициялар эвазига ярим кристалли кремний олиш технологияси, УЗМУ билан ҳамкорликда сермахсул картошка уруғлигини етиштиришнинг самарали биотехнологияси яратилди. Хар йили ташкил этиладиган инновацион гойлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамловчи самарали механизм сифатида хизмат қилмоқда. Мисол учун, жорий йил ўтказилган ярмарка доирасида 11,3 млрд. сўмлик 306 та шартнома имзоланди. Тадбир жараёнида ана шулар ҳусусида атрофлича сўз юритилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шарофат НОРКУЛОВА,
«Ishonch» муҳбири

СОЛИҚ ВА ТАЪЛИМ

Маълумки, солиқлардан тушаётган маблағнинг асосий қисми аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий муҳофазаси муҳтож қатламлари учун сарфланади. Зотан, тараккиёт йўлида танлаб олинган бешта асосий тамойилдан бири кучли ижтимоий ҳимоядир. Шундай экан, солиқ тушумларининг назоратини кенгайтириш ва кучайтириш ишлари бугуннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Давлат бой бўлса...

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 январдаги қарори билан Солиқ академияси ташкил этилган. Ушбу ўқув даргоҳининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унга бақалаврият йўналишида ўқиган хос солиқ коллежларининг битирувчилари қабул қилинади. Айти вақтда Солиқ академияси давлат солиқ хизмати органи макомига тенглаштирилган ҳамда унда талабалар фақат давлат грантлари асосида таҳсил оладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 июлдаги қарори билан Солиқ академияси давлат солиқ органи кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тизимдаги ишларни мувофиқлаштириш таъминловчи базавий илмий-методик марказ ҳамда олий таълим муассасаси этиб тайинланган.

Қарор шарофати билан академиянинг моддий-техника базаси йилдан-йўлга янгиланиб, тақомиллашиб бормоқда. Шинам ва ёруғ аудиториялар, ўқув хоналари замонавий компютерлар ва мультимедия воситалари билан жиҳозланган. Салкам 30 мингта адабийтани жамлаган Ахборот-ресурс марказида ташкил этилган электрон кутубхона, талабалар уйи, спорт майдончалари талабалар хизматига.

Айти пайтда олий ўқув муассасасида иккита бақалавр йўналиши — «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Қайта тайёрлаш ва маълумлаштириш» факультетлари мавжуд. Бундан ташқари, академия таркибидеги «Ҳарбий кафедра»да таҳсил олган талабаларга захирадаги офицер унвони берилади. 2005-2011 йиллар давомида жами 551 нафар бақалавр, 48 нафар магистр ўқув муассасасини битирди. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсида хар йили 2500 дан зиёд соҳа кадрлари билимларини оширмоқда. Шунингдек, 51 нафар профессор-ўқувчи, 14 нафар фан доктори ва профессор, 17 нафар фан номзоиди ва доцентдан иборат илмий жамоа томонидан 163 та дарслик, ўқув ва услубий қўлланма, 450 дан ортиқ илмий мақолалар нашр қилинди ҳамда 4 та докторлик, 8 та номзодлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Солиқ академияси халқаро «Европа сифати» мукофоти билан тақдирланганини таъкидлаш лозим. Мазкур мукофот ўқув муассасасида Европа мамлакатларидаги олий таълим даргоҳларидан кам бўлмаган даражада сифатли таълим тизимининг йўлга қўйилганлиги ҳамда кўпчилик томонидан тан олинган юксак салоҳиятли педагоглар таркиби шаклланилигидан даража беради.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» муҳбири

ЭЛГА ИБРАТ ОДАМЛАР

Офтобойим

Ушанда қоп-қоронғу, тун эди. Дарвозанинг кетма-кет қаттиқ тақиллашдан уй эгалари чўчиб уйғонишди. Ҳар галгидек Жаҳонгул барчадан олдин дарвозага қараб югурди. Бундай пайларда фақат унинг йўқлиги эди...

Жаҳонгул қараса аёлнинг аҳволи оғир. Анча мадордан кетган. Устига-устак бола тескари келиб қолган. Ташқарида кимлардир олов ёқиб, чилдирма чалиб жинларни «ҳайдашяпти»...

тирар, ҳар бир аёл «қахрамон она» бўлгиси келар, тиббий маданият паст эди, — дея эслайди Жаҳонгул. — Оилани режалаштириш собиқ ҳукумат сибсатига зид келарди. Бунақа фикрларни кенг давраларда айтолмасдик ҳам...

ЁЗ — 2012

Наманган вилоятидаги «Соҳил» оромгоҳида биринчи мавсум давомида 160 нафардан зиёд бола дам олдирилди. Дам олувчиларга 14 нафар педагог, 9 нафар техник ходим, шифокор ва ҳамширалар, ички ишлар ходимлари хизмат қилишди.

Авлодлар «Соҳил»да!



Оромгоҳ иш фаолияти режа асосида ташкил этилди. 12 кун давомида масканда «Салом оромгоҳ, бу — мен», «Дўстлик билан гўзалдир олам»...

ЯХШИЛАР ЁДИ

ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Саодат ая ошхона сари йўл оларкан, ўзини гоҳ ичкари, гоҳ ташқарига ураётган қалдирғочларнинг нимадангир безовталиги эътиборини тортди. Аёл қўлидаги чойнакни дераза раҳига қуйди-да, атрофга зехн солди...

«Эссиз, жонивор, каттиқ лат еганга ўхшайди». Саодат ая орта қайтиб, турмуш ўртоғини ёрдамга чақирди. Иккови четдаги столни икки ёндан ушлаб қалдириб олишди. Иззатулла ака стол устига чикди. Хотини тутган полапонни аяйлаганча уясига жойлаштирди...

Раҳматли Иззатулла Тўхтаев билан деярли тенгқур эдик. У ширин сўзи, атрофидагилардан меҳрини аямасди.

ТашМИнинг стоматология факултетини тугатган И.Тўхтаев қатор йиллар Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳар марказий поликлиникаларида фаолият кўрсатди. Кейинчалик ўзи туғилиб ўсган Нарпай тумани «Қадим» кишлоқ врачлик пунктида самарали меҳнат қила бошлади...

Дадам гўдакни текширгач, интерлама бўлиши мумкинлигини айтиб, тезда шифохонага олиб боришга маслаҳат берди. Аёл ўрнидан турди. Кетаётиб яна орқасига қаради. Унинг қарашини маъносини уққан отам менга юзланди...

Ха, дуо билан кўкараётган минг-минг ёшларимиз қаторида Иззатулла Тўхтаевнинг 5 нафар дилбанди ҳам ҳаётда ўз ўрнини топган. Ушлаб набиралари, келинлар у гиштини қўйган кўрғонни обод қилаётир...

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» муҳбири

Самарқанд тумани Шўрбои маҳалласида яшовчи Гулноза Фаттоева Самарқанд иқтисодийёт коллежини битиргач, севимли машғулот — зардўзлик билан фаол шуғуллана бошлади. Изланишлари ва интилишлари самарасида қисқа вақт ичида туманининг кўзга кўринган хунармандларидан бирига айланди.



Гулнозанинг гулдек хунари

Гулноза моҳирлик билан тиккан сўзана, зардевол каби миллий буюмларнинг бозори чакон. Айни пайтда у ўнга яқин маҳалладошлари — қизларга зардўзликни ўргатмоқда.

рени бойитишга ўз хиссасини қўшиш орзусида. У мамлакатимизда ўтказиб келинаётган нуфузли «Ташаббус» кўрик-танлови, «Базар арт», «Асрлар садоси» фестивалларининг фаол иштирокчиси.

Суратда: хунарманд Гулноза Фаттоева. Алишер ИСРОИЛОВ (Ўза) олган сурат

МИННАТДОРЛИК

Ҳаётимга ҳузур қайтди

Асаб толаримиз худди танбурнинг торларига ўхшайди. Бир қарасанг, ундан ўйноқи куй таралиб, ҳаёт завқ-шавққа тўла бахтли кунлардан иборатдек туюлади. Бошқа пайтда эса габли нолалардан маъюз тортиб қоласан.

Касалликча чалиниб туманимиздаги асаб касалликлари шифохонасига бордим. Опоқ халат кийган, соч-соқолига оқ оралаган шифокор синчилик билан соғлигимни текширди. Тизза рефлексини синиовдан ўтказди, болғача билан обғимни урди, кўзимни юмдириб-очириб кўрди. Аниқ хулосага келгач, шифохонага ётиб даволанишим кераклигини айтди.

моил Хушвақтовнинг муолажалари менга қайта жон бахш этди. Унда беморни касалликни энгишига ишонтириш қобилияти бор экан. Кечаси тўйиб ухлайдиган, атрофдагиларнинг қувончини ҳис қиладиган бўлдим. Кайфиятим яхшиланиб, овқатимга таъм, ҳаётимга ҳузур қайтди.

Хуррам Исмоилов каби шифокорлар, Мухаррам Худойбердиева, Чиннигул Тоғаева сингари ҳамширалар Исмоил Хушвақтовнинг қанотига айланган.

Исмоил Хушвақтов 1947 йил Қамаш туманидаги Сабуажар кишлоғида туғилган. Болалиги Қамашнинг поёни йўқ йилловларида кўй боқиб билан ўтган. 1971 йилда Тошкент тиббий институтини тугатиб, Қамашига қайтди. Академик А.Раҳмонжонов, Б.Ғофуров, профессор З. Ибодуллоевдан асаб тизими хасталикларини даволаш сирларини ўрганди. Невро-

логларнинг халқаро анжуманларида қатнашиб, катта тажриба тўплади.

Олий тоифали шифокор Исмоил Хушвақтов турмуш ўртоғи Норгултой Соатова билан олти фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Уч фарзанди ота касбини танлади. Алишер — асаб касалликлари шифокори, Насиба ва Раъно — гинеколог. Бахтиёр фермер хўжалиги бошлиғи, Сирожиiddин иқтисодчи, Мамлакатхон мактабда чет тили ўқитувчиси бўлиб ишлади.

Саодат ОСТОНОВ, Қамаш туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси

«UNIVERSAL KO'CHMAS MULK RELTORI» масъулияти чекланган жамияти 2012 йилнинг 20, 27 июл куни очик аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга, Суд ижрочилирининг Бўстонилик туман бўлимини Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 11 январдаги 1-587-2011-сонли ижро варақаси Абдужабборов Рамзиддин Болтаевига ва бошқаларга оид жиноят иши бўйича Бўстонилик тумани, «Чорбоғ» кўрғон, СВТ «Строитель»да жойлашган дала ҳовли жиҳозлари билан 232 576 119 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.

аукцион савдоларида қатнашиш учун бюртма икки нусхада; закатат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси; ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Бюртмаларни қабул қилиш кўйида келтирилган манзилда эълон чоп этилган кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00 да тўхтаилади. Савдо-

да қатнашиш истиғини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нарҳидан 10% миқдорда закатат пўлини «UNIVERSAL KO'CHMAS MULK RELTORI» масъулияти чекланган жамияти Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302085454, 20208000104933465001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Савдолар соат 10:00 да бошланади. Савдолар Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 7-уйда ўтказилади. Қўшимча маълумот учун телефон: Мазкур объект юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда 2012 йилнинг 19, 26 июл кунлари ўтказиладиган савдоларга қайтанди қўйилади. Лицензия RR-0066

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг Тошкент шаҳар филиали орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарори бўйича танлов савдоларида сотилган кўчмас мулк.

Table with 4 columns: №, Объектнинг номи, Жойлашган жойи, Минимал қиймати (сўмда), Сотилиш қиймати (мин сўмда). Row 1: Қурилиш тугалланмаган 5 қаватли ишлаб чиқариш биноси, Тошкент ш., Чилонзор т., Байналминал кўчасида, 323 982,800, 330 000,00

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари жамоалари тармоқ касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг бош хисобчиси Колбай НЕЙТБАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор қилади.



Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov. Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Esom RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib)

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63. Huquq va xalqaro hayot 256-03-90. Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74. Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79. Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43. Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +99897 465 05 68; Buxoro +99893 653 50 81; Jizzax +99872 360 00 10; Navoiy +99894 226 28 84; Namangan +99897 491 79 28; Samarqand +99866 708 70 12; Xorazm +99897 458 05 07; Farg'ona +99873 221 93 19; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +99862 562 56 75; Qashqadaryo +99897 414 30 78

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A. Abdullaev. Navbatchi: A. Arslonov. Musahhih: N. Mahamov. Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullajilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Ishonch-dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart. Mualliflar fikri ta'biyiyat nuqtai nazaridan foydalanishi mumkin.

Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 21.30

Buyurtma G — 611

21585 nusxada bosildi. 1 2 3 4